

PhD, доцент Маъмура АБДУЖАББОРОВА

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Хушнуд ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мазкур мақолада тижорат банклари молиявий барқарорлиги унинг мазмуни, турли илмий нашрларда тушунчага берилган таърифлар, мавзунинг долзарблиги, тижорат банклари молиявий барқарорлигини таҳлил этиш методикаси келтирилган. Шунингдек, тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашда банк фаолияти ликвидлиги, тўловга қобилиятлиги, фойдалилигининг аҳамияти тадқиқ этилган, тижорат банклари молиявий барқарорлигини ошириш бўйича муаллиф ёндошуви акс эттирилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари молиявий барқарорлиги, тижорат банклари тўловга қобилиятлиги, тижорат банклари фаолияти ликвидлиги, тижорат банклари баланси ликвидлиги, тижорат банклари фойдаси, тижорат банклари фаолияти рентабеллиги.

ANALYSIS OF THE FINANCIAL STABILITY OF COMMERCIAL BANKS

Abstract. This article presents the financial stability of commercial banks, its content, the definitions given in various scientific publications, the relevance of the topic, the methodology of analyzing the financial stability of commercial banks. Also, the importance of liquidity, solvency, profitability of bank activity in ensuring the financial stability of commercial banks is researched, the author's approach to increasing the financial stability of commercial banks is reflected.

Key words: financial stability of commercial banks, solvency of commercial banks, liquidity of commercial banks, balance sheet liquidity of commercial banks, profit of commercial banks, profitability of commercial banks.

Кириш

Иқтисодиётда ва кредит муносабатларида воситачи вазифасини бажарадиган тижорат банкларининг ва банк тизимининг барқарорлиги барча иқтисодий субъектларнинг барқарор фаолият юритишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Тижорат банклари мунтазам равишда хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятини узлуксиз олиб бориши учун уларга кредит маблағларини тақдим этади. Шу билан бирга иқтисодий субъектлар ўртасидаги барча ҳисоб-китоблар тижорат банклари орқали амалга оширилади. Ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ва самарадор фаолият юритиши тижорат банкларининг фаолиятининг барқарор ривожига боғлиқ ҳисобланади. Бошқача айтганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятининг барқарорлиги ва натижавийлиги тижорат банклари фаолиятининг барқарорлиги ва самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бунинг учун тижорат банкларининг ликвидлиги, тўлов қобилияти ва самарали фаолият юритиши, рентабеллигини таъминлаши лозим бўлади.

Буларнинг барчаси эса, мунтазам равишда тижорат банкларининг фаолиятини таҳлил этиб боришни тақозо этади. Таҳлил эса, ўз навбатида тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларига асосланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Р.Ҳ.Бозоров талқинига биноан, халқаро молиявий ташкилотларнинг тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш методологиясини ўрганиш, мазкур методологиялардан тегишли хулосаларни шакллантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Халқаро валюта фонди томонидан тавсия этилган кўрсаткичлар, уларнинг аҳамиятли жиҳатларини ўрганиш лозим. Халқаро валюта фонди мунтазам равишда асосий ва тавсиявий характерга эга бўлган молиявий барқарорлик (Financial Soundness Indicators - FSI) кўрсаткичларини чоп этиб келади. Молиявий барқарорлик индикаторларидан 12 таси асосий индикаторлар бўлса, 26 таси тавсиявий характерга эга бўлган индикаторлар ҳисобланади [3].

Р.Ҳ.Бозоров ўз тадқиқотида молиявий барқарорликнинг асосий кўрсаткичлари сифатида капитал етарлилиги кўрсаткичлари, активлар сифати, фойда ва рентабеллилик, ликвидлилик, бозор рискига сезгирлик даражаси каби кўрсаткичларни келтирган [3].

Ш.Абдуллаева таъкидлашича, тижорат банкининг ликвидлиги унинг барча мижозлари ва бошқа ҳамкорлар билан ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда ҳамда ўз вақтида тўлай олиши билан белгиланади. Шунингдек, ўз капиталининг етарлилиги, унинг оптимал жойлаштирилганлиги, баланснинг актив ва пассив қисмларидаги маблағларнинг вақт оралиғида мувофиқ келиши тижорат банкининг ликвидлиги эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, тижорат банкларининг ликвидлиги омонатчилар ва кредиторлар билан мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажара олиш қобилияти билан белгиланади[2].

Ю.М.Кошелюк, одатда, “банк молиявий барқарорлиги” регулятор томонидан мажбурий белгиланган маълум кўрсаткичларнинг бажарилишини англатади, деб таъкидлаган. Аммо фақатгина ушбу кўрсаткичларнинг бажарилиши банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаб бермайди. Шунингдек, кўп ҳолларда рейтинг ташкилотлари фикрича, тижорат банкининг кредитга лаёқатлилиги, уни узоқ вақт мобайнида ушлаб тура олиши молиявий барқарорликни белгилайди [5].

Н.Н.Куницина фикрига кўра, тижорат банкларининг молиявий натижаларининг таҳлилида олинadиган даромадларнинг ҳажми ва сифатини ўрганиш муҳим рол ўйнайди [6].

И.В.Ларионова келтиришича, тижорат банкининг тўловга қобилиги банк ликвидлилигининг хусусий тавсифи бўлиб, унинг ўз мажбуриятларини жорий режимда пул маблағлари билан тўлай олиш имкониятидир [8].

О.И.Лаврушин талқинига кўра, молиявий таҳлилнинг гуруҳлаш ва таркибий таҳлил усуллари тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда муҳим рол о банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда муҳим рол ўйнайди[7].

М.В.Оливер «молиявий барқарорликка мижозлар ишончини ошириш орқали эришиш мумкин» деб, ҳисоблайди[9].

О. Саттаров ўз тадқиқотида, Марказий банк ва тижорат банкларининг ўз фаолияти давомида функцияларини тўлиқ бажара олишини таъминлаган ҳолда ривожланишга интилиши банк банк тизимининг барқарорлигини таъминлайди деб таъкидлаган[10].

Ш.Абдуллаева талқинига биноан, одатда тўловга лаёқатлилиқ кенг категория сифатида ички ва ташқи омиллар миқёсида, ликвидлик эса фақат ички омиллар доирасида кўриб чиқилади. Айрим ёндашувларга биноан, ликвидлик банкнинг динамик ҳолатини, тўловга лаёқатлилиқ эса, маълум бир санага мажбуриятларини қоплаш ва тўлаш қобилиятини белгилайди[2].

В.Г.Артеменко тўлов қобилияти молиявий барқарорликка таъсир этади деб, ҳисоблайди. Тўлов қобилияти кўрсаткичлари орқали молиявий барқарорликка баҳо бериш мумкин бўлади. Ўз навбатида, хўжалиқ юритувчи субъектларнинг тўлов қобилияти, пул оқимлари таҳлили асосида молиявий барқарорлиги тўлов мажбуриятларини ўз вақтида бажаришига боълиқ ҳисобланади[3].

Н.Х.Шарипова келтиришича, молиявий барқарорлик бўйича изоҳлар Базел Қўмитасининг меъёрий ҳужжатларида берилган. Тижорат банки фаолиятини молиявий барқарор деб ҳисоблаш учун фаолиятининг натижалари Марказий банк (регулятор) томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши лозим. Бу меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Регулятор норматив ҳужжатларида “молиявий барқарор” атамасига нафақат таъриф берилган, балки молиявий барқарорлик параметрларига комплекс талаблар белгилаб қўйилган[11].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида корхоналар тижорат банклари молиявий барқарорлиги таҳлилининг назарий-услубий асослари ўрганилди, мавзуга боғлиқ кўплаб илмий нашрлар талқин қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув усуллари кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Тижорат банклари фаолияти ҳақида тўлиқ тушунча ҳосил қилиш учун унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча иқтисодий жараёнларни батафсил ўрганиш лозим бўлади. Яъни, тижорат банклари фаолиятининг асосий мазмуни, фаолиятининг мақсади, ундан келиб чиқадиган вазифалар, фаолиятни таҳлил қилиб боориш методларини мунтазам такомиллаштириб бориш зарур. Бунинг учун, тижорат банклари зарур миқдордаги ресурслар билан таъминланган бўлиши, капиталнинг етарлилиги таъминланиши, ўз капитали ва қарз капиталининг миқдорини ўрганиш ва унинг оптимал нисбатини белгилаши, ўз ва жалб этилган маблағларни тўғри ва оқилона йўналтириши, ликвидлиликини таъминлашлари, тўлов қобилиятини мустаҳкамлаши, молиявий барқарорлик даражасини таъминлаши лозим бўлади.

Тижорат банклари фаолиятининг таҳлилин куйидаги кетма-кетликда таъминлаш мақсадга мувофиқдир:

- Тижорат банкининг жорий ҳолати ўрганилади;
- Мавжуд жорий ҳолат меъёрий даража билан солиштирилади;
- Фаолиятни баҳолаш учун керак кўрсаткичлар(коэффициентлар) белгиланади;
- Белгиланган кўрсаткичлар бир неча ҳисобот даврлари учун ҳисоб-китоб қилинади;
- Ҳисобланган кўрсаткичларнинг ўзгариши аниқланади;
- Кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этган кўрсаткичлар(омиллар)нинг таъсири аниқланади.
- Барча ҳисоб-китобларнинг банк фаолияти ва унинг барқарорлигига таъсири баҳоланади;
- Зарур бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Молиявий барқарорликнинг моҳияти молиявий ресурсларни самарали шакллантириш ва оқилона фойдаланиш билан ифодаланади[1].

Тижорат банкининг молиявий барқарорлигига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Булар ички ва ташқи омиллар ҳисобланади. Тижорат банкининг молиявий бозордаги рақобатдошлиги, доимий мижозларнинг мавжудлиги ташқи омиллар ҳисобланади. Ички омилларга банк амалиётларини ўтказиш, ҳисобни такомиллаштириш, илғор технологияларни қўллаш киритилади.

Тижорат банкининг молиявий барқарорлиги фаолият самарадорлигини ошириш ва молия бозорида обрўсининг мустаҳкамланишига имкон беради.

Тижорат банки фаолиятининг ички барқарорлиги активлар ва улар манбаларининг ҳолати ва молиявий натижалар динамикасига бевосита

боғлиқдир. Ушбу ички барқарорликка эришиш учун унга таъсир этадиган ички ва ташқи омиллар ўзгаришига ўз вақтида жавоб қайтара олиш имконидир.

Тижорат банкининг ташқи барқарорлиги иқтисодий муҳит барқарорлиги ва ички бошқариш тизими билан белгиланади.

Ўз навбатида тижорат банки балансининг ликвидлиги, тўлов қобиллиги молиявий барқарорликнинг муҳим элементлари ҳисобланади.

Тижорат банкининг ликвидлиги унинг баланси ликвидлигига боғлиқдир. Шу билан бирга, тижорат банки балансининг ликвидлиги таъминланиши учун актив ва пассив операцияларнинг даври мувофиқ бўлиши лозим.

Тижорат банкининг ликвидлигини таъминлаш учун унинг капитали, жалб қилинган маблағлар ва жойлаштирилган маблағлар каби уч асосий қисм ўртасидаги доимий субъектив мутаносибликни сақлаш лозим. Бу ҳолатда мутаносиблик таъминлаш учун юқоридаги таркибий элементларни оператив бошқариш лозим бўлади.

Тижорат банклари активлари ва пассивларнинг оптимал нисбатини шакллантириш, зарур капитални жалб қилиш, банк даромадлари ва фойдасини ошириш орқали ликвидлилик ва молиявий барқарорликни таъминлаш мумкин бўлади.

Ликвидлиликнинг етарли даражасини таъминланмаслиги тижорат банки фаолиятида жиддий камчиликларни келтириб чиқаради. Жумладан:

- нақд пул миқдори камаяди;
- депозит ҳажмлари камаяди;
- қимматли қоғозлар сотилиши мумкин;
- бошқа банклардан олинган кредитлар фоизлар юқори бўлиши ва гаров таъминоти талаб қилиниши мумкин;
- даромад ва фойда ҳажмининг камайиши кузатилиши мумкин.

Тижорат банкларининг мажбуриятлари ҳажми ортадиган бўлса, унинг тўлов қобилияти даражаси пасайиши мумкин. Шунингдек, жалб этилган омонат ресурсларининг муддатлари қатъий белгиланган бўлса, бу ҳолат тижорат банки баланси ликвидлигини аниқ баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга, бу ҳолат тижорат банкининг яна қанча миқдорда ликвид маблағларга зарурати борлигини аниқлаш имконини беради.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, шунингдек, фойданинг миқдори ва сифатига боғлиқдир. Бунда, фойданинг нафақат ҳажмига, балки сифатига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Ҳар қандай тижорат банкининг асосий мақсади фойда олиш ва ининг барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Айнан фойда асосий молиявий кўрсаткич сифатида тижорат банки фаолиятининг келгуси ривожланиш истикболларини белгилаб беради ҳамда уни кенгайтиришнинг муҳим манбаси ҳисобланади.

Тижорат банкининг қуйидаги хусусиятлари фойда ва фойдалилик кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади:

- ихтисослашуви;
- капиталнинг миқдори;
- мустақиллик даражаси;
- фаолият ҳажми.

Тижорат банкида йўналтирилган маблағлар даромад келтирмаса, ушбу ресурсларни бошқа соҳаларга йўналтириш имкониятларини ўрганиш лозим бўлади.

Тижорат банкларида фойдага эришиш учун кўрсатиладиган хизматлар сотилиши, яъни мижозлар бўлиши, бўш маблағларни тўғри йўналтириши, жами активлар таркибида юқори даромад олиб келадиган активлар улушини ошириши лозим. Бунинг учун банк раҳбарияти мунтазам равишда кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва турли-туманлигини таъминлаш учун чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади.

Ўз навбатида, юқори фойда ҳажми кўрсатиладиган хизматлар сифатини такомиллаштириш бўйича ҳаракатлар олиб бориш имконини ҳосил қилади.

Тижорат банки мунтазам равишда фойдага эришса, фаолиятининг барқарорлиги мустаҳкамланади.

Хулоса ва таклифлар

Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир:

- ликвидликни таҳлил қилишнинг ахборотлар базасини шакллантириш;
- кредит сиёсатини тўғри ишлаб чиқиш;
- ликвидлик даражаси мунтазам таҳлил қилиш ва бошқариш;
- ликвид активларга бўлган талабни доимий равишда ўрганиб бориш;
- жами активлар таркибида ликвид активларнинг улушини ошириш;
- активларни тўғри жойлаштириш;
- кам фойда келтирадиган активлар миқдорини камайтириш;
- зарур захираларни шакллантириб бориш;
- омонат маблағларини жалб этишда кредит ресурсларининг муддати ва миқдорини инобатга олиш;

- ўз маблағлари ва мажбуриятларнинг ўзаро нисбатини мувофиқлаштириб бориш.
- ўз капитали ҳажмини доимий равишда ошириб боориш чораларини кўриш;
- ўз маблағларини фойда келтирадиган соҳаларга йўналтириш;
- кам даромад ва фойда келтирадиган активлар ҳажмини камайтириш.
- бошқа банклардан кредит олиш. Лекин бу ҳолат молиявий қарамлик даражасини оширишини назарда тутиш лозим.
- фоизсиз даромадлар билан фоизсиз харажатларнинг ўзаро нисбати;
- жами харажатлар таркибида маъмурий харажатларнинг улуши;
- фоиз маржасининг пастлиги;
- асосий фаолият фойдасининг миқдори ва улуши(фоизли даромадлар);

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдужаборова М.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий барқарорлик таҳлилини ташкил этиш. “Иқтисодиёт ва таълим” илмий электрон журнали. № 5, 2023 йил.
2. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. Т.: Иқтисод-молия, 2017.
3. Артеменко В.Г., Белендир М.В. Финансовый анализ. – М.: ДИС, 1999. – с. 27 (Артеменко ва б., 1999).
4. Бозоров Р.Ҳ. Микрокредитбанк молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июн, 2020 йил.
5. Кошелюк Ю.М. Применение рейтингов в банковском риск-менеджменте / Ю.М. Кошелюк // Банковское дело. – № 12(Кошелюк, 2007).
6. Куницина Н. Н. Бизнес-планирование в коммерческом банке// – М.: Финансы и статистика, 2007. – 304 с.
7. Лаврушин О.И. Банковский менеджмент – М.: КНОРУС, 2016. – С. 154(Лаврушин, 2016).
8. Ларионова И.В. Ликвидность коммерческого банка. Банковское дело: Учебник. – 12-е изд., перераб. и доп. (Глава 7). Под ред. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 265(Ларионова, 2016).
9. Насриддинов Ф. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолашнинг халқаро стандартлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил (Насриддинов, 2018).
10. Сатторов О. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтис.



фанлари доктори илмий дараж. олиш учун тайёрл. дисс. автор. – Т., 2018.-42 б (Саттаров, 2018).

11. Шарипова Н.Х. Тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар. Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил. ИИИ СОН - ИЮЛ, 2023. 295-300 б (Шарипова, 2023).